

6-10-2019

## LITERARY TEXT AS AN OBJECT PRAGMALINGUISTIC ANALYSIS

Nozima Kazakova

*Namangan state university Doktorant*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kazakova, Nozima (2019) "LITERARY TEXT AS AN OBJECT PRAGMALINGUISTIC ANALYSIS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 188.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/188>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## LITERARY TEXT AS AN OBJECT PRAGMALINGUISTIC ANALYSIS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

## БАДИИЙ МАТН ПРАГМАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Қазақова Нозима Абдулбоқиевна  
Наманган давлат университети  
Таянч докторант

*Аннотация:* Мақолада бадий матн прагмалингвистик таҳлилининг назарий асослари ва илмий аҳамияти очиб берилган. Коммуникатив фаолият ва матн муносабати, бадий матндаги прагматик категориялар масаласи таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* прагмалингвистика, бадий матн, адресат, адресант, коммуникатив фаолият, шахс, нутқий вазият.

## ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ПРАГМАЛИНГВИСТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА

Казакова Нозима Абдулбақиевна  
Наманганский государственный университет  
Докторант

*Аннотация:* В статье объясняется теоритические основы и научная значимость прагмалингвистического анализа художественного текста. Проанализирована отношения коммуникативная деятельности и художественного текста, прагматические категории.

*Ключевые слова:* прагмалингвистика, художественный текст, адресат, адресант, коммуникативная деятельность, личность, речевая ситуация.

## LITERARY TEXT AS AN OBJECT PRAGMALINGUISTIC ANALYSIS

Kazakova Nozima Abdalbakiyevna  
Namangan state university  
Doktorant

*Abstract:* In the we study the scientific significance and theoretical basis of pragmalinguistic analysis of literary text. We also analyse interaction between communicative activity and literary text, issued of pragmatic categories.

*Key words:* pragmalinguistics, literary text, addressee, adressant, communicative activity, personality, verbal situation.

Ҳозирги кунда тилшуносликда матн анъанавий грамматик, семантик, услубий таҳлиллarga қўшимча тарзда лингвопоэтик, психолингвистик, социолинг-вистик, когнитив, лингвокультурологик, дискурсив, прагмалингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилинмоқда. Бу албатта, фанлар интеграциясининг натижаси, шу билан бирга, шуни айтиш мумкинки, матн таҳлиliga

тилшуносликнинг замонавий йўналишлари тамойиллари асосида ёндашув лингвистик тадқиқотлар кўламини ҳар томонлама кенгайтирмоқда. Тил бирликларининг нутқий имкониятларини, ижтимоий, маданий моҳиятини, интеллектуал-когнитив, руҳий, этник хусусиятларини ёритишга хизмат қилмоқда.

Прагмалингвистика ҳам тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири сифатида лисоний шахс масаласини марказий ўринга қўяди. Бу йўналишдаги тадқиқотларнинг кўлами кенг бўлиб, асосий эътибор нутқ иштирокчилари мулоқотининг самарадорлиги масаласига қаратилади. Прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғи сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён бўлувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор масалаларни ўрганади.[7.14]

Прагмалингвистикада, бир томондан, тил бирликларининг прагматик имкониятлари таҳлил қилинса, иккинчи томондан, нутқий жараёнда прагматик компетентликка эришиш масаласига эътибор қаратилади, учинчи томондан, нутқий актларнинг семантик ва прагматик хусусиятлари, тагмаънонинг ифодаланиши, нутқнинг таъсир механизми таҳлил қилинади. Матннинг лисоний хусусиятларини прагматика билан боғлаб ўрганган машҳур тилшунослардан бири Амстердам университетининг профессори Т.ван Дейк бўлиб, у ўз тадқиқотлари давомида матн фақат гапларнинг ўзаро боғланишидан эмас, балки нутқий актларнинг ҳам ўзаро муносабатидан ташкил топади, деган хулосага келади.[2.259]

Лингвистик прагматиканинг ўзбек тилшунослигида шаклланишида М.Ҳакимовнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Негаки олим ўзбек тилидаги матннинг прагматик талқинига бағишланган докторлик диссертациясида матн лингвистик прагматика, нутқий акт назарияси тамойиллари асосида ўрганилган, матнда очик ва яширин (эксплицит ва имплицит) шаклда ифодалана-диган мазмунларнинг ўзига хос қонуниятлари кўрсатиб берилган, уларнинг семантик, синтактик, пресуппозицион ва прагматик хусусиятларига доир қоидалар-га аниқликлар киритилган. Бу иш ўзбек тилидаги матн тилшунослиги муаммолари-га назарий жиҳатдан тамоман янги фикр-мулоҳазалар баён этилган.[8.50] М. Ҳакимовнинг монографиясида эса лингвистик прагматиканинг шаклланиши, уму-мий ва хусусий масалалари, фонопрагматика, лексопрагматика, морфопрагматика, олмошлар ва атоқли отларнинг прагматик белгилари, лингвистик прагматиканинг семантика, стилистика ва социолингвистика билан муносабати, матннинг прагматик-мантик табиати, тагмаъно ва пресуппозициянинг умумий ва дифференциал белгилари, лингвистик прагматика бирликлари масалалари мисоллар асосида чуқур таҳлил этилади. Олим лингвистик прагмалингвистиканинг умумназарий масалалари

қаторига жумланинг контекст билан алоқадор аспекти, кишилар ўртасидаги муносабатни ифодаловчи нутқий этикет кўринишлари, нутқнинг социал хосланиши, ифоданинг субъектив модал аспекти билан алоқадор кириш, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар, инсоннинг ички субъектив руҳиятини ифодаловчи дискурс назарияси, пресуппозицияни киритса, хусусий масалалари қаторига сўзловчи билан боғлиқ равишда нутқ субъекти коммуникатив ниятининг ифодала-ниш даражасига кўра ифоданинг ошкора ва яширин шакллари, коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси, тағмаъно, сўзловчининг объектив оламни ҳис қилиш даражаси ва фикрнинг ифода плани, нутқ адресати билан боғлиқ равишда нутқ интерпретацияси, перлокутив акт тушунчаси, коммуникация иштирокчилари ўртасидаги муносабат билан боғлиқ равишда нутқий аралашув шакллари, нутқнинг ижтимоий этикет шакллари, нутқий акт кўринишлари, аралашув вазияти билан боғлиқ равишда нутқ интерпретацияси масалаларини киритади. Мазкур монография кейинги тадқиқотлар учун назарий асос вазифасини бажара олади.

Матн турлари орасида бадий матн ўзига хос хусусиятларга эга. Бадий матн воқеликни бадий идрок этиш ва ифодалаш маҳсули бўлиб, муаллифнинг муайян мақсади, ғояси, ижодий фикрлари тизими асосида шаклланади ва тилнинг тасвирий воситалари, луғат бойлиги, прагматик имкониятларини тўла намоён қила олади. Шакл ва мазмун уйғунлигига эга бундай матнда таъсирлилик биринчи планга кўтарилади. Муаллиф бадий матн яратиш жараёнида барча ижодий, ақлий, интеллектуал, лисоний имкониятларини сафарбар этади ва унинг ўзига хос индивидуал услуби ҳам бадий матн тузилишида алоҳида аҳамият касб этади. Мукамал яратилган бадий матннинг энг муҳим, бошқа матн турларидан фарқли хусусиятлари сифатида ифода усулининг бетакрорлиги, муайян мақсад ва ғояни ифодалаш учун яратилгани, руҳий, эстетик, дидактик таъсир кўрсатишнинг кучлилигини кўрсатиш мумкин.

Матн яратилишида ёзувчи (ёки сўзловчи) омилини тпдқиқ этиш индивидуал услуб масаласини ҳам чуқурроқ ёритишга олиб келади. Зеро, тилшунослигимизда муайян ёзувчи ёки шоир услуби асосан сўз ва гап сатҳи мисолида ўрганилган. Индивидуал услубга бу тарздаги ёндашув кўп ҳолларда ижодкор услубининг барча қирраларини тўлиқ кўрсатиб беришга монелик қилади...Бирор ёзувчи ёки ижодкорнинг нутқий услубини унинг сўз қўллаш ёки жумла тузиш маҳорати нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш усули бугунги кун талабига жавоб бермайди.[5.7]

Бадий матн, мажозий маънода, тил имкониятлари атрофлича намоён бўладиган кенг майдондир. Бадий матннинг прагмалингвистик таҳлилида тил бирликларининг прагматик имкониятлари, коннотация, нутқий актларнинг лисоний хусусиятлари, муаллиф ва персонажлар нутқидаги прагматик таъсир

хусусиятлари, нутқий аралашув шакллариининг қўлланиши масаласи асосий ўрин эгаллайди.

Нутқ жараёнида иштирок этувчи сўзловчи ҳамда тингловчи шахс қатъий равишда прагматик компонентлар сирасига киритилади. Бадиий асар матни нуқтаи назаридан қараганда муаллиф ва китобхон, қаҳрамон ва китобхон, қаҳрамон ва қаҳрамон ўзаро нутқий мулоқотга киришади. Бадиий матннинг яратилишида муаллиф дунёқараши, ғоявий мақсади, асар матнини шакллантириш стратегияси, лисоний воситаларни танлаши муҳим аҳамият касб этади. Бадиий матннинг прагматик компонентлари қаторига муаллиф, қаҳрамон, китобхон, тасвир объекти, коммуникатив стратегия, ифода усул ва воситалари, нутқий вазият, нутқий таъсир кўрсатиш кабиларни қайд этиш мумкин. Маълумки, адабиётшуносликда услуб, ёзувчи услуби тушунчалари асосий тушунчалардандир. Бадиий матнда муаллиф ва ўқувчи билвосита мулоқотга киришади. Бадиий матнда муаллиф нутқи муайян прагматик мақсад асосида яратилади. Муаллиф нутқининг асосий прагматик қиймати кўзда тутилган ғоянинг таъсирли усулда ифодаланиши, индивидуал услуб қирраларининг намоён бўлишида кўринади. Бир қатор асарларда муаллиф нутқи йўқ бўлиб, воқеалар қаҳрамон – биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади, қаҳрамон ва муаллиф шахси умумлашади. Қаҳрамон нутқида муаллифнинг кечинмалари акс этади. Бу кўпроқ автобиографик асарларда кузатилади.

Прагматикада шахс, вазият, шароит сирасида шахс омили, коммуникантларнинг табиати ва мавқеи, ўзаро муносабати кабилар муҳим аҳамиятга эга. Биргина шахснинг нутқий ҳолати жинсий тафовут, феъл, савия, ижтимоий мавқе, ёш, маълумот, мутахассислик, соғлиқ, кайфият каби кўринишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири лисоний бирликлар, хусусан грамматик шакллариининг нутқий воқеланишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан: *Эндигина сал овунган чақалоқ яна йиги бошлади. Кампир тоғора бошида туриб, чақалоқни овутмоқчи бўлди:*

– *Нинни, ниннигина неварагинамдан ўргулай, йигламасин, йигламасин, мана ҳозир бувингиз қўлини артади, дўндиққинам, ўзим бағригинамга босаман!* (Ғ. Ғулом “Ёдгор”). Мазкур парчадаги нутқий актда қаҳрамоннинг катта ёшли аёл, буви, уй бекаси сифатидаги хусусиятларидан келиб чиқиб лексик ва грамматик бирликлар қўлланганини кузатамиз. Эркалаш қўшимчаси – гина аёл нутқида бир гапнинг ўзида тўрт марта ишлатилган. Аёллар нутқидагина хос **ўргулай** сўзи эркалашни кучайтирган. Шу биргина нутқий актда онанинг мушфиқ қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Прагматик ёндашувда фикр ифодалашнинг қулай ва унумдор шакллариини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Нутқий вазият, аввало, эркин ва эркин бўлмаган вазиятларга бўлинади. Эркин нутқий вазиятда, мулоқотда сўзловчи эркин ҳаракат

қилади ва лисоний имкониятлардан Шахс омили прагматик омилларнинг марказида уларни уюштирувчи куч сифатида юқори мавқега эга бўлади.[6.13]

Тил бирликларини прагматик йўналишда тадқиқ этиш уларнинг бевосита кўзга ташланмайдиган, фақат нутқда юзага чикувчи ички имкониятларини аниқлашга йўл очди.[1.3] Айниқса, бадиий асарда қаҳрамонлар нутқида уларнинг сажияси ва савиясидан келиб чиқиб, муаллиф турли воситаларни қўллайди. Қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг дунёқараши, мақсадини очиб бериш учун диалогларда ўткир таъсирга эга тил бирликларидан, киноя ва тағмаънодан фойдаланилади. Жумладаги ҳар қандай тағмаъно ва киноя унинг прагматик хусусиятига асосланади. Масалан: *Пушаймон оҳанги билан:*

– *Эсиз, эсиз йигитлик. Зап одамидан холис хизмат сўраган эканман-ку; бўлди-ей, эсизгина сирларим. Келинг, ҳали ҳам бўлса паранжини тўнга айирбош қиламиз, – деди.*

*Бу гапдан кейин мен анча пўк бўлиб қолдим. Олдин берган ваъдамдан айнишни йигитлик номига ор деб билдим. Мени у ҳақиқатан енгган эди.(Ғ. Ғулом “Ёдгор”).* Мазкур матн парчаси қисса бош қаҳрамони Жўра ва Меҳрихоннинг асар воқеалари ривожидида муҳим ўрин тутувчи диалогидан олинган бўлиб, Меҳрихон нутқида иложсиз вазиятдан чиқиш учун қўлланган кескин кинояли гаплар, Жўра нутқида йигитлик ори учун ўзи хоҳламаган юмушга ноиллож рози бўлиш ифодаланган. *“Паранжини тўнга айирбош қиламиз”* кинояси бу ўринда асосий таъсир қилувчи жумла бўлиб, Меҳрихон нутқи натижавийлигини таъминлаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бадиий асар матни ижодий жараён маҳсули сифатида тил бирликларининг нутқий имкониятларини очишда асосий объектлардан бўлиб, бу объектни прагматик лингвистика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш матн тилшунослиги учун қимматли маълумотларни беради.

#### References:

1. Burxonov Z. O'zbek tilida ko'makchilar va ularga vazifadosh kymakchilar pragmatikasi (presuppozitsion aspekt). Filol. Fan. Nomz. Avtoref. –Toshkent, 2008.
2. Van Deyk. T. Voprosq pragmatiki teksta // Novoe v zarubejnoj lingvistike. Vqpusk VIII. Lingvistika teksta. – Moskva, Progress, 1978. – S. 259-334.
3. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik taxlili asoslari. –Toshkent, Fan, 2007.
4. Saidxonov M. Paralingvizmlarning badiiy matndagi interpretatsiyasi.// Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Toshkent, 2010.–B. 55–56.
5. Xudoyberganova D. Matnning antropotsentrik tadqiqi.–Toshkent, Fan, 2013.
6. Ernazarova M. Grammatik mahnoning nutqiy voqelanishida nolisoniy omillar.// Ўзбек тили ва адабиёти, 2013, 1-сон.B.13-16
7. Ҳакимов М. О'zbek pragmalingvistikasi asoslari. – Toshkent, Akademnashr, 2013.
8. Ҳакимов М. О'zbek tilida matnning pragmatik talqini, DDA. – Toshkent, 2001.